# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 17 июль, № 139 (5559) Сешанба


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 июль куни Оқсаройда Франция Республикаси мудофаа вазири Жан-Ив Ле Дрианни қабул қилди.**





Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Франция ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва муҳим йўналишлари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари мамлакатларимизнинг конструктив ҳамкорлик борасидаги тажрибасини алоҳида таъкидлади ва Франция раҳбарияти билан қарор топган самарали мулоқотдан мамнунлик изҳор этди.

Ўзбекистонда Франция билан турли соҳаларда ўрнатилган ўзаро алоқалар юксак қадрланади, мазкур мамлакатга Европа қитъасидаги узоқ муддатли ва муҳим ҳамкор сифатида қаралади.

Ўзбекистон ва Франциянинг тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларидаги позиция ва ёндашувлари яқин ҳамда ўхшашлиги, фаол парламентлараро алоқалар, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг кенг имкониятлари ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун ишончли асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Франция мудофаа вазири Ле Дриан Президент Ислом Каримовга самимий қабул ҳамда икки томонлама муносабатлар ва халқаро сиёсатнинг муҳим масалаларини муҳокама қилиш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш масалалари юзасидан фикр алмашиш имконияти учун миннатдорлик изҳор этди. Франция ўзаро ҳамкорликнинг барча соҳаларини ривожлантириш ва кенгайтиришдан манфаатдор эканлиги таъкидланди.

Франция ҳукумати аъзоси Афғонистондаги вазиятга тўхталар экан, Ўзбекистоннинг ушбу кўп йиллик можарони ҳал қилишдаги принципиал позициясига ва мамлакатимизнинг мазкур қўшни давлатни тинчлик йўли билан тиклаш борасидаги ишларга қўшаётган салмоқли ҳиссасига юксак баҳо берди.

Мулоқот чоғида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**(ЎзА).**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# СТАТИСТИК, СОЛИҚ, МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ, ЛИЦЕНЗИЯЛАНАДИГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТУБДАН ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, ортиқча бюрократик ғовларни бартараф этиш, замон талабларига мос келмайдиган лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботлари шаклларини қисқартириш, уларни тақдим этиш механизмини такомиллаштириш ҳисобига республикада қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, бизнес субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва шундай субъектларнинг янада эркин фаолият юритишларини таъминлаш борасида изчил ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар чоракда фақат битта соддалаштирилган статистик ҳисоботни тақдим этадилар, молия ҳисоботи эса йилига бир марта тақдим этилади. Тадбиркорлик субъектларининг 78 фоиздан кўпроғи солиқ ҳисоботини электрон кўринишда тақдим этмоқдалар. Сўнгги йилнинг ўзидагина 65 турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари бекор қилинди.

Шу билан бирга, статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг мавжуд тизими катта бўлиб, тубдан соддалаштиришни ва ислоҳ қилишни талаб этади. Кўп миқдордаги лицензия талаблари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари иқтисодиётни янада либераллаштириш борасида ўтказилаётган сиёсатга ҳамда бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келмайди, кўпинча давлат йўли билан тартибга солишнинг бошқа воситаларини такрорлайди.

Бозор иқтисодиёти талабларига, халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ, бюрократик ғовларни бартараф этиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини тубдан такомиллаштириш ҳисобига ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун максимал даражада қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 17 апрелдаги Р-3829-сон фармойиши билан ташкил қилинган ҳисоботлар, лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳининг қуйидаги таклифига розилик берилсин:

1, 2 ва 2а, 3 ва 3а, 4 ва 4а иловаларга мувофиқ, давлат статистик, молия, солиқ ҳисоботлари ҳамда бошқа ҳисобот турларини бекор қилиш ва бир-бирини такрорловчи шаклларни бирлаштириш эвазига ана шундай ҳисоботлар миқдорини, шунингдек, уларни тақдим этиш даврийлигини белгиланган муддатларда қисқартириш тўғрисида;

2012 йилнинг 1 августидан бошлаб 5-иловага муфовиқ рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомилни (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 26 фоиз), шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 тасини (умумий миқдорига нисбатан 20 фоиз), жумладан, уларни 6 ва 6а иловаларига мувофиқ бекор қилиш ва бирлаштириш ҳисобига бекор қилиш тўғрисида.

2. Белгилансинки, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб:

7-иловага мувофиқ, рўйхат бўйича фаолият турларини амалга ошириш учун лицензиялар амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади. Бунда мазкур фаолият турларини амалга ошириш учун аввал берилган лицензияларнинг амал қилиш муддатлари чекланмаган, деб ҳисобланади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан илгари кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда аризалар такроран тақдим этилган тақдирда янги асослар бўйича лицензия ва рухсатномалар беришдан бош тортиш тақиқланади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2013 йил 1 январдан бошлаб:

барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ойма-ой солиқ ҳисоботини тақдим этиш бекор қилинади, қўшимча фойда солиғи бундан мустасно;

микрофирмалар йиллик статистик ҳисобот тақдим этадилар, бунда статистика органлари ҳар чоракда тегишли фаолият йўналишлари ва соҳалари бўйича танланма ўрганишлар ўтказади.

(Давоми 2-бетда).

## Биз ва жаҳон

*Мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонасида “Ўзбекистонда аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимининг ислоҳ қилиниши” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг биринчи ўринбосари Е. Каньязов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси, шунингдек, Германия Адлия федерал вазирлиги ва ушбу вазирлик ҳузуридаги Халқаро ҳуқуқий кўмак жамғармаси вакиллари, ҳуқуқшунослар ва соҳа экспертлари ҳозир бўлдилар.*

# БЕРЛИНДА ДАВРА СУҲБАТИ

**У Ўзбекистонда аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимининг ислоҳоти мавзуига бағишланди.**

Давра суҳбатида Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш борасида олиб борилаётган сиёсат тўғрисидаги атрофлича маълумотлар иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди.

Бундан ташқари, учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2010 йил ноябрь ойида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидаги ташаббусларни ҳаётга кенг татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга ҳам тўхталиб ўтилди.

“Ўзбекистонда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимининг ислоҳ қилиниши” мавзуидаги маъруза тақдимотида юртимизда суд-ҳуқуқ тизими мазмун-моҳиятининг ўзгариши, унинг инсон ҳуқуқлари самарали ҳимояси кафолатига айланиши, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ жиҳатлар ўз ифодасини топди. Ўзбекистон делегацияси раҳбарининг мазкур маърузасида адвокатлик, нотариат ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) идораларидан иборат аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалалари Ўзбекистонда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим йўналиши ҳисобланиши ҳам алоҳида таъкидланди. Хусусан, адвокатлик фаолиятининг мустаҳкамланиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳар томонлама самарали ҳимоясини таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишнинг устувор йўналиши саналиши қайд этилди.

Маърузалардан сўнг бўлиб ўтган мунозаралар чоғида **Бранденбург технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш институтининг президенти Э. Клозе** Германия жамоатчилиги Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан қизиқиш билдираётганини айтди.

(Давоми 2-бетда).

# Эътибор, имконият ва манфаатдорлик

*Етти миллион бир юз етмиш минг тонна! Юртимиз ғаллакорларининг фидокорона ва олижаноб меҳнатлари самараси ўлароқ, шундай улкан буғдой хирмони бунёд этилди.*

## Дил сўзи

Бу, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табригида қайд этилганидек, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида янги саҳифа бўлди.

Телевизор орқали Президентимиз табриги ўқиб эшиттирилаётган лаҳзада қалбимдан кечган ҳисларни сўз билан ифодалашим мушкул. Негаки, унда фермер хўжалигимиз номи мавсумда юқори ҳосилдорликка эришган хўжаликлар қаторида тилга олинди. Бундай эътироф нафақат бизнинг, балки хўжалигимизнинг барча ишчилари хонадонига ҳам ростмана байрам қувончини олиб кирди.

Ҳақиқатан ҳам, дунёда нон деган шундай тенгсиз ва буюк бир бойлик, улуғ ва табаррук бир неъмат борки, унинг баҳоси, қадр-қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди. Шунинг учун бўлса керак, табиат инжиқликлари бизни қандай синовлардан ўтказмасин, ҳамиша қилган меҳнатимиз маҳсули элимиз дастурхонига нон бўлиб, ризқу рўз бўлиб кириб боришини, хонадонларга файзу барака бахш этишини ўйлаганда, деҳқончиликнинг минг бир машаққатлари, ҳар қандай заҳматимиз унутилади.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Қийинчиликлар ортда қолди, кўзлаган мақсадимизга етдик. Жами 81 гектар майдонда тупроқ, сув ва иқлим шароитимизга мос, ғалланинг “Замин” ва “Андижон-4” навларини парваришладик. Ялпи ҳосилимиз 640 тоннадан, ўртача ҳосилдорлик эса 80 центнердан ошди. Ғалламизнинг қарийб 65 фоизи фермер хўжалигимиз ихтиёрида қолди. Бу — жамоамиз аъзоларининг уйи буғдойга тўлади, хонадонларимизга қут-барака киради, дегани. Дастлабки ҳисоб-китобимиз бўйича ғаллачиликнинг ўзидан оладиган фойдамиз 150 миллион сўмдан ошаяпти. Ахир деҳқон учун эътибор, имконият, манфаатдорлик бўлса, шунчалик бўлади-да!

(Давоми 2-бетда).

## Тадбир

*Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан биргаликда “Банкротлик тўғрисида”ги Қонун: шарҳлар ва ҳужжатлар намуналари” амалий қўлланмаси тақдимотига бағишланган минтақавий семинар ўтказди.*

# Амалий қўлланма тақдимоти

Унда қўлланма муаллифлари, хўжалик суди судьялари, маҳаллий давлат ҳокимияти, прокуратура, адлия, солиқ органлари, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Адвокатлар палатаси, тижорат банкларининг ҳудудий бошқармалари вакиллари ҳамда хорижий экспертлар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

# Оромбахш дамлар, ёрқин таассуротлар

*Истеъдодли ёшлар эл-юртнинг энг катта бойлиги, ишончи, таянчидир. Энг муҳими, бугун ана шундай интилувчан, шижоатли ўғил-қизларимизнинг илм ўрганиб, касб-ҳунар сирларидан воқиф бўлиши, санъат ва спорт соҳаларида иқтидор ҳамда салоҳиятини намоён этишлари учун барча имкониятлар яратиб берилаётир.*

## «Келажак овози — 2012»

Бунга жавобан эса навқирон авлод вакиллари ҳавас қилгулик ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Ўтган икки ҳафта мобайнида Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидаги “Лочин” дам олиш масканида ташкил этилган “Келажак овози — 2012” ўқув оромгоҳи ана шундай фаол ёшлар билан гавжум бўлди. Анъанага кўра, мазкур тадбир “Ўзбекистон маданияти ва санъати” форуми жамғармаси ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилиб, унга “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари, “Фонд Форум” ҳамда “Меҳр нури” жамғармаларининг махсус грант ва стипендиялари соҳиблари жалб этилди.

Интеллектуал мулоқотлар, тренинг, кўрик-фестиваль, кўргазма-ярмарка, тақдимот, ижодий учрашув, спорт беллашувлари сингари тадбирлар дастлабки кунданоқ кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Оромгоҳда ёшлар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, менежмент ва бошқарув, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик, интернет ва босма ОАВ, “Келажак лингво” — хорижий тилларни ўрганиш маркази йўналишларидаги гуруҳларга аъзо бўлдилар.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

***Жорий йилнинг дастлабки тўрт ойида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар ҳажми***

**142,5 миллиард сўмни ташкил этди.**

Бунинг ҳисобига шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари сифатли уруғлик, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, шунингдек, бошқа зарур хом ашё ҳамда жиҳозлар билан ўз вақтида таъминланиб, мўл ва сифатли ҳосил етиштириш, аҳолига муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини узлуксиз ҳамда арзон нархда етказиб бериш имконияти яратилди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# СТАТИСТИК, СОЛИҚ, МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ, ЛИЦЕНЗИЯЛАНАДИГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТУБДАН ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

4. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари меъёрларига оғишмай риоя этилиши учун шахсан жавобгар бўлишлари тўғрисида лицензиялар ҳамда рухсатнома характеридаги ҳужжатлар бериш бўйича ваколатли органларнинг раҳбарлари қаттиқ огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси ҳисоботларни тақдим этиш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга ошириш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг сўзсиз риоя этишлари устидан мунтазам назоратни ўрнатсинлар ҳамда бюрократик ғовларни бартараф этиш ва ўрнатилган қонунчилик бузилишининг олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни кўрсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда тадбиркорлик субъектлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар ва рухсатнома характеридаги ҳужжатларни олишга тўланадиган йиғимларнинг миқдорларини танқидий қайта кўриб чиқсин ҳамда уларнинг камида икки баробар арзонлаштирилиши бўйича қарорлар қабул қилсин;

2014 йилнинг охирига қадар барча тадбиркорлик субъектлари статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига тўла ҳажмда босқичма-босқич ўтказилишини, шунингдек, 2012 — 2016 йиллар мобайнида ариза берувчиларга аризаларнинг ўтиш жараёнини интерактив кузатиш имкониятини яратган ҳолда лицензия ва рухсатномаларни олиш учун интернет тармоғи орқали аризаларни беришнинг электрон шакллари жорий этилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда интернет тармоғида ягона веб-сайт яратиб, унга лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари рўйхатини, лицензия ва рухсатномалар олиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, тегишли фаолият турларини амалга ошириш учун лицензия ва рухсатномалар олган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги доимо янгиланиб турадиган маълумотларни жойлаштирсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Савдо-саноат палатаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент шаҳри ва республика минтақаларида маълумотларни электрон тарзда йиғиш ва ишлов бериш имкониятларидан фойдаланган ҳолда статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни янада қисқартириш борасида кўриладиган чора-тадбирлар тушунтириб бериладиган семинарларни ўтказсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда сақлаб қолинаётган ҳисобот турларининг таркиби ва мазмунини илғор хорижий тажриба ва халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда танқидий қайта кўриб чиқсинлар, шунингдек, ўзларининг идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур Фармонга мувофиқлаштирсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари бир ой муддатда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатига ушбу Фармондан келиб чиқадиган тегишли ўзгартишларни белгиланган тартибда киритсинлар.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 16 июль

# БЕРЛИНДА ДАВРА СУҲБАТИ

**У Ўзбекистонда аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимининг ислоҳоти мавзуига бағишланди.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унинг фикрича, хорижий сармоядорларни янада кўпроқ жалб қилишда халқаро мезонларга жавоб берадиган меъёрий-ҳуқуқий асосни ишлаб чиқиш ва яратиш муҳим аҳамиятга эгадир. “Ўзбекистонда бу йўналишда олиб борилаётган лик ўрнатишдан манфаатдор бўлган кичик ва ўрта бизнес вакиллари ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйишда катта қулайлик яратади.

**“Freundeskreis Europa Berlin e. V.” жамияти президенти В. Фурман** Ўзбекистонда қисқа муддат мобайнида суд-ҳуқуқ тизимини саъй-ҳаракатлар ва чора-тадбирлар, шубҳасиз, республиканинг ўз олдига қўйган мақсадларга эришишига хизмат қилади”, деди у.

**“АНВ GmbH” транспорт-логистика компаниясининг савдо бўйича вакили К. Цирвес**нинг айтишича, бундай тадбирларнинг ўтказилиши немис жамоатчилигига Ўзбекистонда турли йўналишларда, жумладан, ҳуқуқий соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлишлари имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, турли соҳалар намояндалари, жумладан, ўзбекистонлик ҳамкасблари билан амалий ҳамкорислоҳ қилиш борасида эришилган муваффақиятларни юқори баҳолар экан, бу йўналишда олиб борилаётган сиёсат самарали ва амалий хусусиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади.

Хулоса ўрнида қайд этиш мумкинки, Ўзбекистон делегациясининг Германияга амалга оширган мазкур сафари доирасида бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар мамлакатларимиз ўртасида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ҳамкорликнинг долзарб масалалари бўйича фикр алмашишдан ҳар икки томон манфаатдор эканлигини яна бир бор намоён этди.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

## Яхши хабарлар

*Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш эвазига вилоятда 2012 йилнинг биринчи ярмида икки мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди.*

### Янги иш ўринлари яратилди

“Жарқўрғонпахта” очиқ акциядорлик жамиятида ингичка толали пахта хом ашёсини қайта ишлайдиган замонавий технологик линия фойдаланишга топширилди. Жамиятнинг 100 миллион сўмлик маблағи эвазига амалга оширилган бу тадбир самараси ўлароқ, бир йўла 69 та иш ўрни ташкил этилди. Таъкидлаш ўринлики, мазкур янги линия йилига 10 минг тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга.

**О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Тўйлар тўйларга уланди

*Чинозлик Бегимовлар оиласи бундан сал аввалроқ туманнинг Гулзоробод қишлоғида намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган замонавий уй-жойга кўчиб ўтганди.*

Яқинда янги хонадонда яна бир хурсандчилик — кенжа фарзанд Акмалжоннинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди.

— Мана шундай кўркам ва барча шароитларга эга ҳовлида тўю тантаналар қилишнинг гашти ўзгача бўларкан, — дейди хонадон бекаси Мунаввара ая Бегимова қувончини яширолмай. — Биз, қишлоқ аҳли учун кўпдан-кўп ғамхўрликлар қилаётган Юртбошимизга раҳмат! Илоҳим, юртимизнинг ҳар гўшаси тўйхонага айлансин.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда ҳам пойтахт вилоятилик бунёдкорлар худди шундай уй-жойлардан 1 минг 160 тасини қишлоқ аҳлига тортиқ этиш ҳаракатида. Бу — ҳадемай яна шунча оилага бахтиёрлик шукуҳи кириб боради, деганидир.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

*Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган изчил чора-тадбирлар туфайли республикамиз озиқ-овқат саноати жадал суръатларда ривожланмоқда.*

*Бозорларимиз ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилаётгани, экспорт ҳажмининг йил сайин ўсаётгани бунинг яққол далилидир.*

# Жаҳон андозаларига мос

## технологиялар ички ва ташқи бозорга харидоргир маҳсулот тайёрлаш имконини бераяпти

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, соҳада жорий қилинаётган янгиликлар ва имтиёзлар, айниқса, тадбиркорларга катта мадад бўлаётир.

Пойтахтимиздаги “East Impeks Invest” масъулияти чекланган жамияти жамоаси мавжуд шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, фаолият доирасини муттасил кенгайтириб бораётир. Бу ерда “Nusi” савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган печеньеларни бугунги кунда нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам яхши билишади. Чунки улар табиий маҳсулотлардан тайёрлангани, сифати юқорилиги боис анча харидоргир. 2012 йилнинг биринчи ярмида истеъмолчиларга 7 миллиард 560 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилгани, унинг 30 фоизи экспорт қилингани шундан далолатдир.



80 киши меҳнат қилаётган мазкур жамият иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Дастлабки маҳсулот 2008 йилда ишлаб чиқарилган эди. Ўшанда кунига 2-3 тонна печенье тайёрланган бўлса, ҳозирги пайтда мазкур кўрсаткич 10 тоннага етказилди. Шунга мос равишда маҳсулот тури ҳам кўпайди. Қандолатчилар томонидан ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган шакарли ҳамда чўзмали печеньеларнинг ўнлаб турини тайёрлаш ўзлаштирилди. “Афросиёб”, “Арабика”, “Дилноза”, “Идеал”, “Тропикал”, “Садоқат”, “Фаровон”, “Гулливер”, “Шарқ юлдузи” шулар жумласидандир. Улар буюртмачи талабларига биноан, бежирим идишларга қадоқланмоқда.

— Ўтган йили корхонамиз техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилинди, — дейди ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Мурод Тўхтаев. — Бир миллион АҚШ доллари эвазига Италиянинг “Imaforni” фирмасидан замонавий линияни олиб келиб ўрнатдик. Ушбу дастгоҳ ёрдамида кунига 24 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин.

Корхона фаолиятини кенгайтириш мақсадида яна бир йирик лойиҳа устида иш олиб борилаяпти. Унга кўра, Италия ва Германия давлатларининг замонавий ускуналари ёрдамида шоколад ва бошқа импорт ўрнини босувчи ширинликлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Бунинг эвазига яна 200 та иш ўрни очилиб, унга, асосан, касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёш мутахассислар жалб этилиши мўлжалланаётир.

Бунинг бари юртимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини хорижникидан қолишмайдиган, сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилади, албатта.

**С. РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**
**Б. АКРАМОВ олган сурат.**

# Эътибор, имконият ва манфаатдорлик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг ҳамиша биз, фермерларга катта ишонч билдириб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётганликлари, ғаллачиликни тубдан ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилаётгани, энг асосийси, қишлоқ меҳнаткашларига юксак эътибор берилаётгани муваффақиятларимизнинг бош омили бўлаяпти. Бу фақат менинг эмас, юртимиздаги меҳнат ғалабаси сururидан кўнгли осмон қадар юксалган минглаб фермерларнинг ҳам дилидаги гап, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

**Баҳодирхон АҲМЕДОВ, Қуйи Чирчиқ туманидаги «Акбархон Баҳодирхон» фермер хўжалиги раҳбари.**

# Амалий қўлланма тақдимоти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда таъкидланганидек, “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бозор шароитида хўжалик муомаласини ҳуқуқий тартибга солишда муҳим ўрин эгаллайди. Шуни эътиборга олиб, 2011 йилда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ўртасида имзоланган Меморандумга кўра, “Банкротлик тўғрисида”ги Қонун: шарҳлар ва ҳужжатлар намуналари” номли қўлланма тайёрланиб, нашрдан чиқарилди. Ўзбек ва рус тилларида чоп этилган мазкур қўлланмада банкротлик тўғрисидаги амалдаги қонунчилик шарҳланган ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар банкротлиги доирасида тузиладиган ҳужжатлар намуналари жамланган. Унда судда иштирок этувчи шахслар томонидан суд ва суд бошқарувчисига тақдим қилинадиган, суд бошқарувчиси томонидан банкротлик тўғрисидаги иш доирасида тузиладиган ҳужжатлар ҳам ўз аксини топган.

Семинарда банкротликнинг муҳим белгилари ҳамда тушунчалари, корхонани банкрот, деб топиш тўғрисидаги ишларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти, банкротликнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди.

Шунингдек, тадбирда банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Оромбахш дамлар, ёрқин таассуротлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Оромгоҳда ўтган икки ҳафта муддат мириқиб дам олиш билан бирга, тафаккур ва дунёқарашимизни бойитиш учун ҳам қулай имкон бўлди, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали талабаси Гулшарофат Қўшжонова. — Бу ерда юртимизнинг турли ҳудудларидан келган ва турлича йўналишларда ўқиб-изланаётган, ижод қилаётган ёшлар жам бўлдик. Ўзаро фикр алмашув ҳамда баҳс-мунозараларда илм-фан, ижод борасидаги хилма-хил услуб ва янгича қарашлар билан яқиндан танишиш мумкин эди. Айниқса, интернет-журналистика, “Дилемма” клуби, “Келажак лингво” — хорижий тилларни ўрганиш маркази, “Ёш бизнес тренерлар мактаби” каби йўналишлардаги лойиҳалар янгилик ва унутилмас таассуротларга бой бўлди. Ўқув-оромгоҳида тўпланган тажриба бизнинг келгусидаги илмий-ижодий фаолиятимизда қўл келиши аниқ.

Дарҳақиқат, оромгоҳда истеъдодли йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар, ўқув дастурлари ва бошқа кўнгилочар лойиҳаларга энг тажрибали мураббийлар ҳамда халқаро экспертлар жалб қилинди. Қувонарлиси, “Тадбиркорлик кўникмалари”, “IT технологиялар”, “PR ва реклама”, “Жамоавий бирлашув”, “Ижодий тафаккур” каби мавзулардаги амалий машғулотлар ёшларнинг фаоллигини янада яққолроқ намоён этишга хизмат қилди.

Оромгоҳ лойиҳаси якунида энг кўп “акция” тўплаган жамоа саралаб олинди. Унга кўра, “Ёш тадбиркорлар мактаби” йўналиши жамоаси энг фаол, деб топилди. Бундан ташқари, энг яхши лойиҳалар танлови ҳам ўтказилиб, кўрик сўнгида 12 та истиқболли лойиҳа амалиётга татбиқ этиш учун тавсия қилинди.

“Келажак овози — 2012” ёзги ўқув оромгоҳининг тантанали ёпилишида ўнлаб иқтидор соҳибларига махсус сертификат ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# «Ёшлар маркази»

*Вобкентлик фермер Неъматулла Тоиров ўз сармояси ҳамда банкнинг 300 миллион сўмлик кредити эвазига “Ёшлар маркази” барпо этди.*

## Бунёдкорлик

Айни пайтда бу ерда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари билан бир қаторда компьютер саводхонлиги, тикувчилик, пазандалик сингари касбларни ўргатишга мўлжалланган бир неча курслар ҳам фаолият кўрсатаяпти. Шу билан бирга, марказдан замонавий кинозал ҳамда маросимлар уйи ўрин олган.

Эътиборлиси, янги мажмуада иш бошлаганларнинг 12 нафари коллеж битирувчиларидир.

**И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 17 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1937,92 | 1 Исландия кронаси | 14,77 | 1 Польша злотийси | 554,47 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2953,34 | 1 Канада доллари | 1869,65 | 1 СДР | 2845,35 |
| 1 Дания кронаси | 312,10 | 1 Хитой юани | 297,48 | 1 Туркия лираси | 1048,06 |
| 1 БАА дирҳами | 516,37 | 1 Россия рубли | 58,07 | 1 Швейцария франки | 1933,50 |
| 1 АҚШ доллари | 1896,57 | 1 Украина гривнаси | 237,28 | 1 ЕВРО | 2323,56 |
| 1 Миср фунти | 312,84 | 1 Малайзия ринггити | 597,34 | 10 Жанубий Корея вони | 16,53 |
| | | | | 10 Япония иенаси | 239,83 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

*Президентимиз 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида охирги беш йил давомида мамлакатимиз банк сектори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар кўп бўлган даражани ташкил этганини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, республикамизда истиқлол йилларида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, банк-молия тизимининг такомиллаштирилиши натижасида молия муассасалари фаолияти нафақат аҳоли турмуши фаровонлашувига хизмат қилаяпти, балки кўплаб халқаро ташкилотларда ўз нуфузини мустаҳкамлаб бормоқда. Банклар томонидан ажратилаётган маблағлар аҳолининг тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқариб, уларнинг даромадларини кўпайтириб, жамиятдаги ижтимоий фаоллигини ошираётгани, айниқса, эътиборга лойиқдир.*

*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик хусусида гап кетганда, аввало, ушбу соҳани молиявий қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки фаолиятига алоҳида тўхталмоқ жоиз. Чунки республикамиз молия бозорида 2006 йилдан буён фаолият юритиб келаётган мазкур банк ўтган вақт ичида ўз маблағ ва хизматлари орқали барча ҳудудларга кириб борди. Банк жамоасининг кредит ажратишдаги ўзига хос тажрибаси эса мижозлар билан алоқалар йил сайин мустаҳкамланишига замин яратмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида унинг жами капитали 174,7 миллиард сўмни ташкил этгани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.*

Реклама ўрнида




## «Микрокредитбанк»:

# Бош мақсад – оилалар фаровонлигини таъминлаш

*Юқорида айтиб ўтганимиздек, тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш “Микрокредитбанк”нинг асосий вазифаси ҳисобланади. Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилингач эса, соҳани ривожлантириш учун янада кенг имкониятлар эшиги очилди.*

## Ташаббус алоқалар кенгайишига асос бўлмоқда

Хусусан, тадбиркорлар учун энг кам фоизларда микрокредит ва микролизинг хизматлари кўрсатиш жорий этилди. Бунинг самараси ўлароқ, банк ўз фаолияти давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига **1 триллион** сўмдан ортиқ кредитлар ажратган бўлса, шундан 608,1 миллиард сўми микромолиявий хизматлардир. Бунинг натижасида республикамизда 457 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди.

Эътиборлиси, банк жамоаси иш самарадорлигини ошириш мақсадида 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар ҳажмини 202,8 миллиард сўмга етказишни режалаштирган. Жорий йилнинг олти ойида соҳага 104,9 миллиард сўм миқдорида сармоялар йўналтирилди. Жами ажратилган кредитлар миқдори эса 183,1 миллиард сўмга етказилди. Ушбу маблағлар ҳисобига, ўз навбатида, 52 минг 500 нафар киши тармоқ корхоналарига ишга қабул қилинди.

“Микрокредитбанк” “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида оилалар, айниқса, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Ёш оилаларга 15,9 миллиард сўмлик, шу жумладан, аёллар тадбиркорлигига 20,4 миллиард сўмлик, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига 5,4 миллиард сўмлик сармоялар ажратилгани шундан далолат беради.

Бунда, табиийки, банкнинг кўплаб ташкилотлар билан бир қатор лойиҳаларни амалга ошираётгани айни муддао бўлаяпти. Шу боис ҳозирги кунга келиб, банк билан ҳамкорлик қилувчи мижозлар сафи тобора кенгаймоқда.

Банк ходимлари ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида бўлиб, ўқувчиларга тадбиркорликни бошлаш учун микрокредит олиш тартиблари ва ундан мақсадли фойдаланиш талаблари асосида махсус ўқув курслари ўтказаётгани ҳам амалда ўз самарасини бераётир.

Шунингдек, бу йўналишда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан “Ёш тадбиркор — юртга мададкор” лойиҳаси амалга оширилаётгани, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашувчи “Менинг бизнес ғоям” танлови ташкил қилингани эса ёшларни ишбилармонликка жалб қилишда қўл келаётир.




Жорий йилнинг май ойида Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган ўқув оромгоҳида мазкур танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирга танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар бўйича ғолиблари таклиф этилиб, уларга банк имкониятлари ҳақида маълумотлар ҳамда тарқатма материаллар берилди. Шу билан бирга, 105 нафар ёш тадбиркор орасидан 58 нафарининг ғояси энг яхши, деб топилди. Эндиликда ушбу лойиҳа эгаларига ташкилотчилар томонидан маблағ ажратилади. Шундан 21 та лойиҳани “Микрокредитбанк” молиялаштиради.

Шу ўринда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан биргаликда ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини кучайтириш мақсадида “Диплом билан — бизнесга” ўқув-семинарини ўтказиш бўйича қўшма қарор имзолангани ҳам кўплаб йигит-қизларга ўз бизнесини юритишлари учун туртки бераётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Маълумки, жорий йилнинг 3-4 апрель кунлари Амстердам шаҳрида (Голландия) бўлиб ўтган Ёшлар молияларини ривожлантириш ташкилотининг биринчи халқаро саммити ва тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикасининг “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки ёшларга молиявий хизматларни кўрсатиш ҳамда таълим дастурлари учун шарт-шароит яратиш бўйича етакчи ўринда эканлиги қайд қилиниб, ушбу йўналишдаги молиялаш ишларини самарали ташкил этаётган биринчи банки сифатида эътироф этилган эди. Шу ойда пойтахтимиздаги “Ўзкўргазмасавдо” мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган банк технологиялари, асбоб-ускуналари ҳамда хизматлари бўйича “BankExpo — 2012” миллий кўргазмасида эса “Микрокредитбанк” “Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк” номинацияси бўйича ғолиб, деб топилди.

Булар бежиз эмас, албатта. Чунки мазкур молия муассасаси ўзининг фаолияти давомида меҳнат бозорига кириб келаётган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натижада жойларда айнан ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдиришга хизмат қилаяпти. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар ўз ёнига тенгдошларини чорлаб, уларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқаришига кўмаклашмоқда.

Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида Марказий банк билан биргаликда амалга оширилаётган “Банк ва коллеж ҳамкорлиги” лойиҳаси доирасида ўтказилган семинар ҳам жамоанинг шундай саъй-ҳаракатлари мевасидир. Мазкур тадбирда вилоят ҳокимлиги, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда тумандаги касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари ва битирувчилари, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Ушбу лойиҳадан кўзланган асосий мақсад Президентимизнинг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки 2011/2012 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг эгаллаган мутахассисликлари бўйича тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишлари учун бошланғич микрокредитларни ажратишдир.

Семинарда ёш тадбиркорларнинг банк кредитлари эвазига яратган маҳсулотлари кўргазмаси намойиш этилди. Мазкур тадбирда “Микрокредитбанк” томонидан ўзининг пухта бизнес-режасига эга бўлган 20 нафар коллеж битирувчисига замонавий тикув машиналари, 15 нафарига эса бошланғич микрокредитлар ажратиш бўйича банк сертификатлари ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектларига қимматбаҳо совғалар топширилди.



*Бугунги кунда ҳар бир соҳада янгиликка интилиш — бу давр талаби. Зеро, бусиз муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шуни инобатга олиб, “Микрокредитбанк” жамоаси аҳолига ўзининг бир қатор замонавий хизматларини тақдим қилмоқда. Бу халқаро молиявий ташкилотларнинг ҳам эътиборини тортаяпти.*

## Замонавий хизматлар ҳамкорликни мустаҳкамлайди

Жумладан, “Микрокредитбанк”га ижтимоий йўналишлардаги “MikroFinanzaRating” компанияси (Италия) халқаро қабул қилинган “SBB” меъёрларига мувофиқ, “Амалда ўз мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш ва зиммасига юклатилган ижтимоий вазифаларни самарали бажариш борасида етарли қобилиятга эга, ўз ижтимоий мақсадларига эришиш эҳтимоллиги юқори бўлган банк” деган ижтимоий рейтинг тақдим этди. Бунда банкнинг оилаларга чуқурроқ кириб боргани, имтиёзли сармояларидан ҳар бир эҳтиёжманднинг баҳраманд бўлиши учун жисмоний шахс кафиллиги, гуруҳ кафиллиги ва ишончи каби гаров турларидан фойдаланилгани муҳим омил бўлди. Тадбиркорнинг бошланғич сармоя олганидан тортиб, ўз корхонасини саноат даражасига кўтариб олгунича, босқичма-босқич, белгилаб қўйилган имтиёзли микросармоялар билан қўллаб-қувватланиши мижозларнинг барқарор фаолият юритишига замин яратди.



Мустаҳкам оила йилида банк томонидан ишлаб чиқилган “Оила фаровонлиги учун” хизматлар мажмуаси ҳам оилалар фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Банкнинг мазкур янги хизматлари жисмоний шахсларга мўлжалланган бўлиб, оила учун ҳар томонлама қулайликлар, имкониятлар яратиш, фарзандларнинг замонавий, билимли бўлиб улғайишларига кўмаклашиш, оила даромадларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Банкнинг янги хизмат турларидан яна бири — “Келажак учун интеллектуал сармоялар” деб номланади. Аввалambор, шуни айтиш керакки, мазкур сармоя болаларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга мўлжаллангани билан кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Яъни кредит боланинг ота-онаси, яқин қариндошларига унинг олий ўқув юртлари имтиҳонларига тайёргарлик кўриши, ўқув марказларида билим олиши, чет тилларини ўрганиши ёки компьютер саводхонлиги бўйича билим олиши, спорт билан шуғулланиши, шунингдек, касб-ҳунар учун кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш мақсадида берилади. Ушбу кредитлар энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида, бир ярим йил муддатга мўлжалланган.

Қишлоқ аҳли учун томорқа муҳим даромад манбаи эканлиги бугун барчамизга аён. Шу маънода, банкнинг томорқа эгаларига иссиқхоналар ташкил этиш, ерга ишлов бериш, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун сармоялар ажратаётгани ҳам айни муддаодир.

Миллий ҳунармандчилик — халқимизнинг азалий анъаналаридан бири. У қадимий меҳнат тури бўлиб, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Аксинча, янгича кўринишда тобора шаклланиб бормоқда. Шу тариқа авлоддан-авлодга ўтаяпти. Банк жамоаси мазкур соҳани ривожлантириш учун оилавий ҳунармандларни ўз сармоялари билан қўллаб-қувватлаётгани эса нур устига аъло нур бўлмоқда.

Албатта, банк бу каби замонавий хизматлар ёрдамида оилаларнинг барча эҳтиёжларини қамраб олишга ҳаракат қилмоқда. Шу кунларда аҳолига катта қулайликлар яратувчи қуёш батареялари учун кредитларни ташкил этиш устида иш олиб борилаётгани бунинг тасдиғидир. Серқуёш юртимизда бундай батареяларга талаб юқорилигини инобатга олсак, банк жамоасининг ушбу ташаббуси тезда оммалашиши турган гап.

*“Микрокредитбанк” ОАТБ ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва дастурлар комплексини татбиқ этиш орқали мижозларга янада кенгроқ замонавий хизматлар кўрсатиш бўйича ҳам фаол иш олиб бормоқда.*

## Ахборот-коммуникация технологиялари ва юксалиш

Жумладан, SMS-тўлов тизими жисмоний шахслар учун банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўламини янада кенгайтираётир. Унинг ёрдамида жисмоний шахслар интернет провайдерлар, мобиль телефони операторлари хизматларига пул ўтказиш, коммунал тўловларни тўлаш, савдо дўконларида маҳсулотлар харид қилиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Бу аҳолига ҳар томонлама манзур келаяпти.

Жисмоний шахсларга мўлжалланган SMS-банк хизмати ҳақида ҳам шундай фикр юритиш мумкин. Чунки ушбу хизмат ёрдамида банк омонатчилари ўз омонати қолдиқлари ва бу ҳисоб рақам орқали амалга оширилган ҳар қандай операциялар тўғрисидаги маълумотни SMS орқали олиш имкониятига эга бўлишаяпти. Шунингдек, омонат ҳисоб рақами орқали ихтиёрий операциялар амалга оширилганда, масалан, ойлик фоиз ҳисобланганида, омонатдан пул олинганида, омонатга пул келиб тушганида ўша куннинг ўзида SMS-хабар омонатчига етказилади.

Юридик шахслар учун SMS-банк хизмати имкониятлари ҳам кенгайтирилмоқда. Бу хизматга улангaнлар учун мижознинг мавжуд кредитлари бўйича ҳар ҳафтада қўшимча SMS-хабар юбориш йўлга қўйилган. Унда кредит бўйича қарздорлик миқдори, навбатдаги кредитни сўндириш муддати ва суммаси кўрсатилади. Бугунги кунда “Микрокредитбанк”нинг ушбу хизматидан 12 мингдан ортиқ мижоз фойдаланмоқда.

## Халқаро эътироф

*Жорий йилнинг 2 июль куни Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви MIX-MARKET агентлиги “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки фаолиятини яна бир бор “беш олмос” даражасида баҳолаб, махсус сертификатни тақдим этди.*


Microfinance Information Exchange, Inc.
Certificate of Transparency

This certificate recognizes:
Mikrokredit Bank of Uzbekistan
for achieving 5 Diamonds on the MIX Market
improving the transparency, quality and reliability of microfinance information

Mårten Leijon
Executive Director

Бу мазкур молия муассасасининг фаолияти жаҳон стандартларига мослаштирилаётгани ва унинг халқаро доирадаги нуфузи тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

Халқаро “Fitch Ratings” агентлиги томонидан “Микрокредитбанк”нинг узоқ ва қисқа муддатли кредитга лаёқатлилик рейтинглари “B” “Барқарор” даражасига кўтарилгани, 2011 йил натижаларига кўра, унинг хорижий валютадаги узоқ муддатли рейтинги даражаси оширилиб, “Барқарор” деб баҳолангани ҳам бежиз эмас, албатта. Бостонда (АҚШ) нашр этиладиган “Микрокапитал бозори ахборотномаси” журнали томонидан чоп этилган рэнкинга мувофиқ, Марказий Осиё ва Европадаги 151 микрокредит банки орасида “Микрокредитбанк” ОАТБ бешинчи ўринни эгаллагани эса нафақат мазкур молия муассасаси, балки мамлакатимиз банк-молия тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар нақадар тўғри эканлигининг юксак эътирофидир.

Бундан ташқари, банк ҳозирги кунда дунёдаги йирик молиявий муассасалар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва Жаҳон банки маблағлари, Халқаро тараққиёт уюшмасининг кредит линиялари грантларини кичик бизнес субъектларига тақдим этишда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Мухтасар айтганда, “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг фаолиятини янада кенгайтиришга, қолаверса, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётир.

**Банк матбуот хизмати.**

## АКТ янгиликлари

### Минтақавий босқич якунланди

**Фарғонада компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати — “Uzbekistan Cyber Games Beeline — 2012” мусобақаларининг минтақавий саралаш босқичи бўлиб ўтди.**

Унда Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларидан юздан ортиқ компьютер ўйинлари ихлосмандлари қатнашди.

— Фарғона водийсида компьютерга қизиқадиган ёшлар жуда кўп, — дейди чемпионат ташкилий қўмитаси раҳбари Александр Сучков. — Ўтган йилларда бу ердан кўплаб мамлакат чемпионлари кашф этилди. Фарғоналик Сардорбек Абдуллаев эса 2009 йилда Вьетнамда ўтказилган “AIG 2009” Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоасига бронза медалини туҳфа этди.

Мусобақаларда иштирокчилар “Counter Strike 1.6”, “NFS Most Wanted”, “FIFA” ўйинлари бўйича беллашишди. Эътиборли жиҳати, финал ўйинлари катта монитор орқали узатилиб, мухлисларга янада қулайлик яратиш мақсадида шарҳлаб борилди.

Тадбир якунида ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Энди улар чемпионатнинг шу йил 11 август куни пойтахтимизда ўтказиладиган республика босқичида қатнашадилар.

**Ирода НАБИЕВА.**

### Ўсиш суръатлари юқори

**“UZINFOCOM” компьютер ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази июнь ойи бўйича миллий сегментда ўсиш суръатлари кузатилганлигини маълум қилди.**

Қайд этилишича, www.uz миллий ахборот-қидирув тизимидаги сайтлар сони ёзнинг биринчи ойида 1,52 фоизга ошиб, UZ доменида 5466 тани ташкил этган. Бундан ташқари, фойдаланувчиларнинг юртимиз сайтларига кириши янада фаоллашмоқда.

Энг кўп ахборотга эга сайтлар ичида ZiyoNET тармоғи эътироф этилаётир. Ҳозир бу ерда 42,4 мингдан зиёд ахборот ва материаллар жамланган.

**Элбек ДОЛИМОВ.**

## Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport



*Эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича кадетлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида спортчиларимиз юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар.*

*Халқаро спорт курашлари федерацияси (FILA) тақвимидан жой олган мазкур нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз битта олтин ва еттита бронза медалини қўлга киритдилар.*

### Курашчиларимиз муваффақияти

Жумладан, юнон-рум кураши бўйича 42 кг. вазн тоифасида беллашувларда иштирок этган Исломжон Баҳромов Чиа-Чиен Лиу (Хитой Тайпейи), Фаридун Тиллоев (Тожикистон) ва Сон Хи Донг (Жанубий Корея)ни мағлубиятга учратиб, чемпионат ғолиби бўлди. Шунингдек, вакилларимиздан Мирзобек Раҳмонов, Арам Варданян (юнон-рум кураши), Азамат Рўзметов, Сирожиддин Ҳасанов, Ферузбек Аҳмедов (эркин кураш), Зуҳра Отамуродова ва Азиза Муштоқова мусобақанинг бронза медаллари билан тақдирланди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, Осиё чемпионатида қитъанинг ўн бешга яқин мамлакатидан қарийб 250 нафар спортчи совринли ўринлар учун кураш олиб борди.

### Жаҳон чемпионати совриндори

IAAF World Junior Championships BARCELONA 2012

*Енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида Барселона (Испания) шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз, XXX ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмаси соҳиби Суҳроб Хўжаев муваффақиятли иштирок этди.*

Босқон улоқтириш баҳсларида ўз имкониятини синовдан ўтказган спортчимиз 76,16 метр натижага эришиб, нуфузли мусобақанинг бронза медали билан тақдирланди. Олтин ва кумуш медаллар Бенк Пажтор (Венгрия) ҳамда Афраш Амдаг Алсайфи (Қатар)га насиб этди.

Суҳроб Хўжаев олдинроқ Лондон Олимпиадасига йўлланма берувчи халқаро турнирда 74,20 метр натижа билан олтин медални қўлга киритган эди.

Умид қиламизки, мусобақадан мусобақага кўрсаткичини яхшилаб бораётган спортчимиз Олимпиада ўйинларида ҳам муносиб қатнашиб, барчамизни хурсанд қилади.



### XXI аср тўпурарлари

*Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) XXI аср тўпурарлари рўйхатини эълон қилди.*

Унга 2001 йилдан буён терма жамоалар ва клублар ўртасидаги халқаро мусобақаларда энг кўп гол урган футболчилар киритилган. Эътиборли жиҳати, мазкур рўйхатда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Максим Шацких ҳам бор. Маҳоратли ҳужумчимиз 43 та гол билан жаҳонга машҳур чарм тўп усталари Эммануэль Адебайор (Кот-д`Ивуар), Карлос Тевес, Серхио Агуэро (Аргентина), Карим Бензема (Франция), Алессандро Дель Пьеро (Италия), Рафаэль ван дер Варт ва Уэсли Снейдер (Нидерландия) кабилардан юқори ўринларда турибди.

XXI аср тўпурарлари рўйхатининг кучли учлигидан Дидье Дрогба (Кот-д`Ивуар), Мирослав Клозе (Германия) ва Рууд ван Нистелрой (Нидерландия) жой олган.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**


Сара уруғ — юқори ҳосил гарови

**Испаниянинг FITO SEMILLAS компаниясининг Ўзбекистондаги вакили**

*ўз омборидан такрорий экин учун*



**маккажўхори ва чим уруғларини**

*таклиф қилади.*

**Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган.**

**Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99897) 728-57-80. Факс: (+99871) 257-58-61.**

996А/710


## ОБ-ҲАВО

(17 июль)

| | Тунда | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +19 +24 | +36 +41 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +19 +24 | +36 +41 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +19 +24 | +35 +40 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +19 +24 | +36 +41 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +19 +24 | +34 +39 |
| Тошкент шаҳрида | +19 +21 | +36 +38 |


**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Наманган вилояти филиали**

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

**1.** Аукцион савдосига Чуст тумани СИБ томонидан, ФИБ Чуст туманлараро судининг 2012 йил 22 майдаги 1-2754-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чуст тумани, «Кафолат Мобайл Сервис» МЧЖга тегишли, Чуст шаҳри, «Камарсада» МФЙ, Сўфизода кўчасида жойлашган, умумий фойдали майдони 420,2 кв.м., умумий ташқи майдони 236,88 кв.м. бўлган бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 159 000 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан, Наманган вилояти хўжалик судининг 2010 йил 15 февралдаги 16-0806-35-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Наманган савдо улгуржи база» МЧЖга тегишли, Норин тумани, «Пахтақишлоқ» ҚФЙ, «Шўрариқ» МФЙда жойлашган, фойдали майдони 69,87 кв.м., қурилиш ости майдони 84,7 кв.м. бўлган, 2 та хонадан иборат минимаркет биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 52 170 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 17 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалида қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 15 август куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Наманган ш., Нодира к., 3-уй. Тел.: (8-369) 226-27-01, 226-54-47. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1159R/1441


● Реклама ва эълонлар ●


STANDARD & POOR'S RATINGS SERVICES

O'ZSANOATQURILISHBANK

2012 йил 12 июль куни

**«Standard&Poor‘s»** халқаро рейтинг агентлиги

**«Ўзсаноатқурилишбанк»** очиқ акциядорлик тижорат банкининг

2011 йил якунлари ва 2012 йилнинг биринчи ярим йиллиги фаолияти бўйича

барча рейтингларини

« B+/B »

даражасида

«БАРҚАРОР»

истиқболи билан қайта тасдиқлади.

1160R/859



***Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?***

***Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?***

"KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" MChJ



***Унда шошилиб таваккал қилманг.***

***Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.***

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда туражой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг **(+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85** телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингиз оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

*Лицензия: RR-0001.*

***Унутманг!***

***«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.***

***Мурожаат қилинг ва барака топинг!***

563R/1441


“O`zbekiston” телерадиоканали ДУК жамоаси меҳнат фахрийси, журналист, таниқли сиёсий шарҳловчи

**Талъат СОЛИЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмаси раҳбарияти ва жамоаси савдо фахрийси

**Жасур ЭРГАШХЎЖАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 64 096 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.05 Топширилди — 22.00

1 2 3 4 5